# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 29 июль, № 147 (6582) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Янгиликлар, воқеалар,

*хабарлар*

## Кўп тармоқли мажмуа

**Сурхондарё**

Денов тумани аҳли мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида яна бир замонавий қулайликка эга бўлди. Бу ерда 900 миллион сўм эвазига "Мўъжиза" савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Сармоянинг асосий қисми банк томонидан ажратилди, — дейди тадбиркор Ҳафиза Бўронова.— Уч қаватдан иборат иншоотимиз савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш нуқталари ҳамда тикувчилик ва қандолат цехини ўз ичига олган. Шунингдек, бинонинг юқори қаватида ҳар бири уч хонадан иборат учта тураржой мавжуд.

Айни пайтда "Мўъжиза"да 20 киши иш билан банд. Келгусида улар сонини яна 12 нафарга кўпайтириш кўзда тутилган.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Бозор талабига мувофиқ

**Фарғона**

"Бешариқ текстиль" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасида инвестиция лойиҳаси рўёбга чиқарилгач, маҳсулот тайёрлаш қуввати ва сифати ошди. Шу билан бирга, унинг хорижий буюртмачилар ўртасидаги мавқеи тобора мустаҳкамланиб бораяпти.

— Ички ҳамда ташқи бозор конъюнктурасини пухта ўрганиб иш тутаяпмиз, — дейди корхона раҳбари ўринбосари Мухтор Қобулов. — Жамоамиз томонидан табиий матодан тикилаётган 100 дан зиёд турдаги спорт кийимлари ва болалар либосларига талаб юқори. Шу боис маҳсулотларимизнинг тўқсон фоизини экспортга йўналтираяпмиз. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида 417 минг АҚШ долларилик трикотаж ашёларини четга сотдик.

**Элёржон ЭҲСОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Энг яхши лойиҳа

**Жиззах**

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Марказий банк, Савдо-савдо палатаси ҳамда "Тадбиркор аёл" ассоциацияси томонидан эълон қилинган "Тадбиркор қизнинг энг яхши лойиҳаси — 2016" республика танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда касб-ҳунар коллежларининг 40 нафар битирувчиси ишлаб чиқариш, сервис ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида ғолиблик учун баҳс олиб борди.

— Танловда бири-биридан қизиқарли, муҳими, жамиятимиз учун фойдали лойиҳа ҳамда таклифларга гувоҳ бўлдик, — дейди "Тадбиркор аёл" ассоциацияси вилоят бўлими раиси Нозима Тугалова. — Бинобарин, ишбилармонликка қўл ураётган қизларга тегишли йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди. Бизнес-режа тузиш сир-синоатлари ўргатилди. Соҳадаги сўнгги янгиликлар мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Якунда лойиҳа соҳибаларидан уч нафари ғолиб, деб топилиб, танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Уларга имтиёзли кредитдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

**Толибжон ЭРГАШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**






*"...Кимки бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни кўрмоқчи, улардан тўлиқ хабардор бўлмоқчи бўлса, биринчи галда Андижонга келсин, ўзини андижонлик деб атайдиган одамларнинг меҳнати, ҳаёти, бугунги ютуқлари билан яқиндан танишсин".*

**Ислом КАРИМОВ**

Андижон вилояти:

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ — ФАРОВОН ҲАЁТ



"Биз кўрмаганни болаларимиз кўрсин". Бу — мустабид тузум даврида армон билан яшаб ўтган ота-боболаримизнинг орзу-нияти, кўнгил таскини. Ҳозир эса замон талаби бошқача. Президентимиз шу ҳақда тўхталар экан, айни пайтда халқимиз ўтаётган кунидан рози бўлиб, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши зарурлигини таъкидлайди. Ана шу эзгу мақсадлар рўёби Андижондаги беқиёс ўзгаришу янгиланишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

— Бундан йигирма беш — ўттиз йил аввалги турмушимиз билан бугунгиси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Шаҳрихон туманидаги 53-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори Камолиддин Ғафуров. — Шукрки, қўй-қўзининг кўпайишига қараб орзу-ҳавас қиладиган даврлар ўтди. Энди пахта даласининг кўлами тақдиримизни белгиламайди. Ёки авваллари бозор ҳамда дўконларимизда аҳвол қандай эди? Қорлиқировли кунларда расталарда бир уюм сўлиган шолғому картошкадан бўлак неъматни учратмасдингиз. Нон учун навбатда турган, бир қоп ун учун қирпичоқ бўлганлар ҳақида гапиришнинг, эслашнинг ўзи оғир. Ҳозир-чи? Ҳар соҳада ишбилармонлик. Тадбиркорлик билан шуғулланган одам эса кам бўлаётгани йўқ.

(Давоми 4-бетда).

## Депутатлар ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ахборотини эшитдилар

Мамлакатимиз парламенти томонидан ҳукумат аъзоларининг қабул қилинган қонунлар, долзарб ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросига оид ҳисоботлари тизимли равишда эшитиб борилиши демократик жамиятнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Юртимизда парламент назоратининг мазкур шаклидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари амалга оширилишини, электорат томонидан кўтарилаётган вазифаларнинг ҳал этилишини изчил таъминлаган ҳолда, парламент назорат-таҳлил фаолиятининг бутун салоҳиятидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишаяпти.

Парламент қуйи палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисида"ги ахбороти эшитилиши ушбу йўналишдаги навбатдаги муҳим тадбир бўлди.

(Давоми 2-бетда).

**МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ**

"Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси томонидан "JV Man Auto Uzbekistan" қўшма корхонасининг Самарқанддаги сервис ва дилерлик марказида брифинг ўтказилди. Мазкур тадбир "MAN" русумли юк транспортлари учун кабиналар тайёрлашни маҳаллийлаштириш ҳамда ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш масаласига бағишланди.

## Илғор, замонавий, рақобатдош

Таъкидландики, автомобилсозлик мамлакатимиз саноатининг жадал суръатларда ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Истиқлол йилларида юртимизда кўплаб турдаги енгил ва юк автомобиллари, шунингдек, махсус транспорт воситалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани бунинг яққол далилидир. Бунда 2009 йилда Германиянинг "Man Truck&Bus Group" компанияси билан ҳамкорликда "JV Man Auto Uzbekistan" қўшма корхонасига асос солингани муҳим омил бўлди. Натижада юк автомобиллари ишлаб чиқариш, уларга техник хизмат кўрсатиш имконияти юзага келди.

Президентимизнинг 2015 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган 2015 — 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга доир дастур мазкур корхона ривожига янада кенг йўл очиб берди.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ, тақдим этилаётган имтиёз ҳамда преференциялар маҳаллийлаштириш даражасини оширишга хизмат қилаяпти. "MAN" оғир юк кўтарувчи транспорт воситалари учун кабина тайёрлашни маҳаллийлаштириш бўйича ҳаётга татбиқ қилинган лойиҳа бунга мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

## Экологик экспертиза ва қонунчилик

Бухорода "Салбий экологик оқибатларнинг олдини олиш мақсадида давлат экологик экспертизасини ўтказиш" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. Унда республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси вакиллари, соҳа мутахассислари, тадбиркорлар, бир қатор корхона ва ташкилотлар ходимлари қатнашди.

**ДАВРА СУҲБАТИ**

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазаси, биологик хилмахилликни сақлаш масалалари алоҳида эътиборда. Наботот оламини асраб-авайлашга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилган. "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Экологик экспертиза тўғрисида"ги қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори шулар жумласидандир.

— Мазкур Қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари иш фаолиятимизда дастуриламал бўлаяпти, — дейди Бухоро вилояти давлат экологик экспертизаси корхонаси бошлиғи Маҳмуд Ғуломов. — Қонунийлик, холислик, асослилик, экологик хавфсизлик талабларини ҳисобга олишнинг мажбурийлиги каби тамойиллар биз учун етакчи мезон саналади. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида атроф-муҳитга таъсирни баҳолашга оид 998 та ариза-лойиҳа ва экологик меъёрий ҳужжат кўриб чиқилиб, тегишли экологик экспертиза хулосалари тайёрланди. Шуларнинг 47 таси мавжуд талабларга жавоб бермаслиги туфайли буюртмачиларга қайтарилди.

Давра суҳбатида ҳукуматнинг давлат экологик экспертизасига оид тегишли қарори меъёр ҳамда талаблари, экологик норматив лойиҳа материалларини ишлаб чиқиш методологияси, бизнес-режа тузишда экологик оқибатларни назарда тутиш каби мавзуларда фикр алмашилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Депутатлар ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ахборотини эшитдилар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Қайд этилганидек, жамият ҳаётининг барча жабҳасига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири саналади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисида таъкидлаганидек, айни пайтда глобал иқтисодиётда компьютер ҳамда телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишни ўз ичига олган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг роли ҳамда аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши мамлакатнинг рақобатдошлик даражасига таъсир кўрсатиши, катта ҳажмда ахборот тўплаш ва уни умумлаштириш имконини бериши, бошқаришни стратегик даражада ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратишини унутмаслигимиз зарур.

Депутатлар ушбу масалада парламент эшитуви долзарблигини алоҳида таъкидладилар. Комплекс дастурга мувофиқ, 2013 — 2020 йилларда республикамиз телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ҳамда инфратузилмасини ривожлантириш бўйича умумий қиймати 2,1 триллион сўмлик 17 та лойиҳа, шунингдек, “Электрон ҳукумат” тизими ахборот тизимлари ва маълумотлар базасини яратиш бўйича 28 та тадбир ҳамда лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар яқин истиқболда давлат ва жамиятнинг самарали ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасига бўлган эҳтиёжини қондиришга, аҳолининг “Электрон ҳукумат” тизими имкониятларидан кенг фойдаланишига хизмат қилади.

Мажлисда вазир Комплекс дастурнинг “Солиқ”, “Божхона”, “Таълим”, “Бюджет” сингари долзарб лойиҳалари ижросининг бориши ҳақида батафсил ахборот берди.

Қайд этилганидек, 2015 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши ушбу дастурни амалга оширишда муҳим босқични бошлаб берди. Унда ягона электрон ҳукумат тизими доирасида давлат органларининг яратилаётган ҳамда мавжуд ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси комплекси инфратузилмаси ҳамда интеграциялашувига оид талаблар белгилаб қўйилган.

Эшитувда айтиб ўтилганидек, Комплекс дастурнинг амалга оширилиши ахборот товарлари ҳамда хизматлари соҳасида миллий ишлаб чиқарувчиларнинг ривожланишига асос солиб, маҳаллий ахборот технологиялари мутахассислари касбий малакасини оширишга туртки беради. Ҳаётга татбиқ этилаётган лойиҳалар фуқаролар турмуш даражасини, уларга давлат идораларида хизмат кўрсатиш самарадорлигини юксалтиришга, электрон давлат хизматларидан фойдаланишда вақт ва маблағни тежаб қолишга замин яратади.

Депутатлар миллий телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, давлат органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмасини такомиллаштириш борасида эришилган натижалар билан бир қаторда, Комплекс дастурда белгиланган айрим вазифаларнинг самарали ижро этилмаётгани ҳолатларига эътибор қаратишди. Парламент аъзоларининг фикрича, аҳолининг компьютер саводхонлигини юксалтириш, фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича хабардорлигини ошириш юзасидан ахборот-тушунтириш ишларини тубдан яхшилаш давр талабидир. Дастурда кўзда тутилган лойиҳаларнинг ўз вақтида якунланишига доир ҳолатлар ҳам танқидий таҳлил қилиб чиқилди.

Эшитувда фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар асосида депутатлар томонидан кўтарилган масалалар ҳам муҳокама этилди. Депутатлар ўз партияларининг сайловолди дастурлари устувор йўналишларидан келиб чиқиб, давлат органлари раҳбарлари иштирокида фуқароларнинг ахборот ҳуқуқи, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид вазифалар юзасидан самарали ва амалий баҳс-мунозараларни ташкил этишди.

Парламент эшитуви ўтказилиши “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонуннинг кучга кириши ҳамда Комплекс дастурда белгиланган вазифалар ижроси билан боғлиқ тегишли қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш жадвалини ва миллий ахборот соҳаси қонунчилиги ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш мақсадида долзарб чора-тадбирлар рўйхатини ишлаб чиқиш имконини берди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

### КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Халқимизнинг энг улуғ, энг азиз айёми — давлатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги олдидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида “Ҳудудларда ижтимоий шериклик: тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва барқарор тараққиёт кафолати” мавзуида семинар-тренинглар бўлиб ўтди.

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилган семинар-тренинглар мустақиллик йилларида “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамият сари” тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатларни таҳлил қилиш ҳамда ижтимоий шериклик институтининг самарадорлигини таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган йигирма беш йил жамиятимиз ҳаётида изчил ўзгариш ва туб янгиланишлар даври бўлди. Собиқ тузумдан мерос қолган заиф иқтисодиёт ҳамда ижтимоий беқарорликка барҳам бериш, ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш, таълим-тарбия, тиббиёт, атроф-муҳит муҳофазаси, эҳтиёжманд қатламларни қўллаб-қувватлаш, халқимиз турмуш даражасини юксалтириш йўналишларида чуқур ўйланган ислоҳотлар амалга оширилди. Мазкур жараёнда демократик институтлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилиб, айни соҳада қонуний, ташкилий шарт-шароитлар яратилди.

— Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат нотижорат ташкилотлари фаоллашувини янги босқичга олиб чиқди, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг Андижон вилоятидаги ресурс маркази раҳбари Холида Мирзараҳимова. — Айниқса, ушбу ҳужжат доирасида қабул қилинган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун нодавлат секторнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Хусусан, вилоятимизда 650 дан ортиқ ННТ аҳолининг тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечиришини кафолатлашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари, давлат ҳамда ҳудудий дастурлар ижросини таъминлашда давлат органларига яқиндан кўмаклашаётир. Ўз навбатида, нодавлат тузилмаларни ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида самарали механизм татбиқ қилинганини эътироф этиш жоиз.

Семинарларда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари тузилиши айни муддао бўлганига урғу берилди. Бу комиссиялар ҳудудлардаги давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, долзарб аҳамиятга эга масалаларни ечишда ижтимоий шериклик ҳолатига баҳо бериш ҳамда мониторингини юритиш каби вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

— Охирги бир йилнинг ўзида ҳудудимизда ижтимоий шерикликнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тўлақонли етказишга қаратилган қирқдан ортиқ давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ташкил этилди, — дейди халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси раиси Ҳожимурод Эрматов. — Бундай тадбирлар вилоятимизда мавжуд етти юздан зиёд ННТ фаолиятини янада яхшилашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, фуқаролик институтлари лойиҳалари давлат гранти маблағлари билан қўллаб-қувватланиб келинаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этаяпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди 2008 — 2016 йилларда демократик тузилмаларнинг турли ижтимоий лойиҳаларини амалга ошириш мақсадлари учун 58,8 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратди.

— Ҳудудимиз ижтимоий-иқтисодий ривожида, осойишталикка, тотувликка асосланган соғлом муҳитнинг барқарорлигида олти юздан зиёд нодавлат тузилмалар муносиб ҳисса қўшаётир, — дейди Сурхондарё вилоятидаги “Аёл ва замон” ННТ раҳбари Гулнора Хўжаниёзова. — Бу жараёнда уларнинг давлат гранти маблағлари билан таъминланаётгани ютуқлар омили бўлмоқда. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан эълон қилинган давлат грантлари танловида вилоятдаги йигирмадан ортиқ ННТ лойиҳаларига 270 миллион сўмга яқин маблағ ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган ойларида ўнга яқин ННТ давлат грантларини қўлга киритди.

Семинар-тренингларда истиқлол йилларида ижтимоий шериклик муносабатлари ҳамда ҳаётимизнинг турли жабҳасида эришилган ютуқларни “Ким эдигу ким бўлдик?!” тамойили асосида тарғиб этиш, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик назоратни кучайтиришда жамоатчилик ўрни сингари қатор мавзуларда маърузалар тингланди.

— Ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича истиқболдаги режаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди, — дейди Ўзбекистон экологик ҳаракати Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари Носир Ҳалимов. — Бинобарин, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт экологик барқарорликни мустаҳкамлаш, мавжуд ресурслардан тўғри фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш масалаларига жиддий ёндашувни тақозо этади. Шу маънода, мазкур тадбир фуқаролик жамияти институтлари ва давлат органларининг ушбу йўналишдаги ҳамкорлигини кенгайтиришда ҳам муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Амалий мулоқот руҳида ўтган семинар-тренингларда ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилаётган ишлар, милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

**● Қашқадарёда бозор муносабатлари талаблари ва шароитларига жавоб берадиган ишлаб чиқаришга оид меҳнат муҳофазасини таъминлаш, шу асосда барча мулкчилик шаклидаги корхоналарда меҳнат қиладиган ишчилар ҳамда ишлаб чиқариш усулларини ижтимоий ҳимоя этиш масалаларига бағишланган анжуман уюштирилди.**

● Жиззахда “Мустақиллик йилларида жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалла институтининг роли” мавзуида семинар ўтказилди.

**● Бухорода Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб “Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида хотин-қизлар форуми ташкил этилди.**

*«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.*

# Илғор, замонавий, рақобатдош



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“JV Man Auto Uzbekistan” қўшма корхонаси янги лойиҳалар ва маҳаллийлаштириш департаменти директори Ойбек Аюбовнинг айтишича, кабина ишлаб чиқариш жараёни тизимли равишда йўлга қўйилди. Яъни Хитойдаги “Sinotruk Import&Export Co Ltd” компанияси томонидан етказиб берилган кабинанинг металл панеллари корхонада пайвандлангач, Самарқанд автомобиль заводи бўяш цехи базасида емирилишга қарши қатлам сурилиб, бўялади. Сўнгра у “JV Man Auto Uzbekistan” қўшма корхонасига келтирилиб, ички ҳамда ташқи жиҳозлари ўрнатилади.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун заводга Германия, Италия ва бошқа хорижий давлатлардан замонавий технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада 50 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари очилиб, уларга, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари жалб этилди.

Заводда кабиналар жорий йилнинг сентябрь ойидан серияли ишлаб чиқарила бошланади. Пировардида йилига 3 минг дона ушбу бутловчи буюм тайёрланиб, маҳаллийлаштириш даражаси янада ошириладди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошмоқда

Юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда солиқ тизими ҳам тубдан такомиллаштирилаётгани туфайли унинг рағбатлантирувчи роли ортмоқда. Солиқ юки босқичма-босқич камайтирилиб, қўшимча имтиёзлар жорий этилаётгани бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар фойда солиғи, жисмоний шахслар даромад солиғи, иш берувчилар учун меҳнат ҳақи фондига нисбатан ижтимоий тўловлар каби асосий солиқлар ставкалари қисқартирилиб, қатор самарасиз солиқлар бекор қилинди. Бу каби янгиланишлар натижасида биргина юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси 45 фоиздан 7,5 фоизга туширилдики, бу дунёнинг саноқли мамлакатларида учрайдиган ҳолатдир.

### ИСЛОҲОТ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига кўпроқ имтиёзлар бериш тизимдаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, мазкур соҳада солиқ механизми мунтазам равишда соддалаштирилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, микрофирма ҳамда кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2004 йилда жами 15,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга келиб, у 5 фоизга туширилди. Бундай енгилликлар тадбиркорлар сафи кенгайиб, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда етакчи куч сифатида шаклланишида муҳим омил бўлаётир. Айни пайтда республикамиз ялпи ички маҳсулотида уларнинг улуши 56,7 фоизни ташкил этаётгани шундай дейишимизга тўла асос бўлади.

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда солиқ маъмурчилигида ҳам туб янгиланишлар рўй берди. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари соддалаштирилгани бунга яққол мисол бўла олади. Пировардида ҳозирги пайтда тадбиркорлик субъектлари 100 фоиз солиқ ҳамда статистика ҳисоботларини эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита электрон шаклда, интернет тармоғи орқали амалга оширмоқда.

Юртимизда янада қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, солиқ, статистик ва молиявий ҳисоботларни ҳамда лицензияланадиган фаолият турлари сонини кескин қисқартириш мақсадида қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар кичик бизнес равнақига кенг йўл очаяпти. Айниқса, Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қулай солиқ муҳитини шакллантириш борасида навбатдаги муҳим қадам бўлди. Нега деганда, ушбу ҳужжатга кўра, якка тартибдаги тадбиркорларга фаолият туридан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ҳамда якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун ўрнатилган ставканинг 30 фоизи миқдорида қатъий белгиланган солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Бу тадбир ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий аҳамиятга эгалиги боис зўр мамнуният билан кутиб олинди. Яна бир эътиборга молик томони, эндиликда якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёлласа, ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқдан озод этилади.

Бундан ташқари, кичик бизнес субъектлари мақомини белгилашнинг бош мезони бўлган ишчилар сони оширилиши, яъни саноатнинг кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида илгариги 100 кишидан 200 кишигача кўпайтирилгани, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди.

Микрофирма, кичик корхона ва фермер хўжаликлари учун ягона ижтимоий тўлов ставкасининг 25 фоиздан 15 фоизга туширилиши эса солиқдаги енгилликлардан яна бири бўлди, дейиш мумкин. Бу, ўз навбатида, уларнинг иш ҳақига доир солиқ юкини мақсадли камайтириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини ошириш, ҳам иш берувчининг, ҳам ишчи-ходимларнинг манфаатдорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда. Чунки юридик шахсларнинг иш ҳақи тўлаш билан боғлиқ солиқ юки қанча кам бўлса, унинг меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имкониятлари ҳам шунча кенгаяди.

Шу ўринда айтиш жоизки, охирги йилларда солиқ сиёсатида рўй берган айрим ўзгаришлар моҳиятига кўра, тизимдаги ислоҳотларнинг янги тўлқинини юзага келтирди. Гап жисмоний шахсларнинг бир минимал иш ҳақи миқдоригача бўлган даромадларига “0” фоизли ставкани кўзда тутувчи тўрт босқичли солиқ солиш шкаласининг жорий этилиши ҳақида бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, юртимизда солиққа тортилмайдиган минимум қайтадан киритилди. Жисмоний шахслардан даромад солиғи ундиришда ушбу имтиёзнинг татбиқ этилиши, аввало, фуқароларнинг энг кам даромадли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш механизми ҳисобланади. Қолаверса, аҳоли реал даромадларининг ошишига хизмат қилади.

Тизимдаги ислоҳотларнинг яна бири солиқлар орқали ресурслардан самарали фойдаланишни тартибга солишга қаратилгани билан диққатга сазовор. Буни мулкий солиқлар ставкалари кўтарилаётгани мисолида кўриш мумкин. Яъни солиқларнинг мазкур тури тураржойларнинг эгаллаган майдони, унинг жойлашувига қараб табақалашган ҳолда базавий ставкаси 2016 йилда 1998 йилдагига нисбатан 15 баробарга ошди. Бундай ўзгариш замирида фискал, иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар мужассамдир.

Мулк солиғининг фискал аҳамиятини ошириш ҳисобига маҳаллий бюджетларга тушумни кўпайтириш ҳамда шу орқали уларнинг молиявий имкониятларини кенгайтириш назарда тутилса, ижтимоий мақсадда мулк солиғи ставкаларини табақалаштириш, яъни кўпроқ (қимматроқ) мулкка юқорироқ солиқ ўрнатиш ҳисобига жамиятда бойликнинг нотекис тақсимотини маълум даражада силлиқлаш (текислаш)га қаратилган.

Маълумки, фуқароларга тегишли кўчмас мулклар одатда ноишлаб чиқариш характерига эга бўлиб, иқтисодиётга бевосита ресурс бўла олмайди. Улардан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланилмас экан, ўлик капитал ёки ҳашам мулк сифатида жамғарилади. Бундай объектларнинг юқори солиққа тортилиши эса мулклардан унумли фойдаланишни рағбатлантиради. Бу мулк солиғи юкини ошириб боришдан кўзланган иқтисодий мақсаддир.

Республикамизда, шунингдек, ресурс тўловлари ва акцизлар юкини ошириб бориш тамойили ҳам изчил давом эттирилмоқда. Хусусан, айрим акцизости маҳсулотларига акциз солиғи ставкалари ҳар йили 105 — 115 фоизга индексацияланмоқда. Ер солиғи ставкалари 15 фоизга оширилгани ҳолда, жисмоний шахслар ер участкаларига солиқ солиш механизмига ўзига хос ўзгариш киритилди. Эндиликда уларнинг ер участкалари норматив майдонидан ортиқ қисмига белгиланган солиқ ставкаларга нисбатан 1,5 коэффициент қўлланиладиган бўлди.

2015 йилдан эътиборан сув ресурсларидан фойдаланганлик учун ҳам солиқнинг базавий ставкалари 20 фоизга оширилиб, солиқ солиш режимидан қатъи назар, алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъектларга сув солиғи юки кўтарилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар учун ушбу солиқнинг базавий ставкалари татбиқ этилди.

Умуман олганда, ресурс солиқларининг оширилишидан кўзланган асосий мақсад-муддао шуки, бебаҳо бойлик бўлган ер, сув ва мулклардан самарали фойдаланишни тартибга солишдир. Акцизларнинг оширилиши эса инсон соғлиғи учун зарарли бўлган айрим маҳсулотлар истеъмолини камайтиришга, пировардида бўшаган даромаддан унумли фойдаланишга ундайди.

Солиққа тортиш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, албатта, олдиндан пухта ишлаб чиқилган Ўзбекистон солиқ тизимини такомиллаштириш стратегиясининг амалдаги ижроси ҳисобланади.

**Исломбек НИЯЗМЕТОВ,**
**иқтисод фанлари номзоди.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Буюк Британиянинг “Lloyds Banking Group PLC” банки жорий йилнинг дастлабки ярмида 1,59 миллиард фунт стерлинг соф фойда кўрди ва дивидендлари ҳажмини 13 фоиз оширди.*

### Соф фойда кўрди

Ваҳолонки, ўтган йилнинг шу даврини у 211 миллион фунт стерлинг зарар билан якунлаганди. Бироқ молия муассасаси сарф-харажатларни камайтириш ҳамда даромад барқарорлигини таъминлаш мақсадида яқин келажакда қарийб 200 та бўлинмани ёпиш ва 3 мингта иш ўрнини қисқартиришини ҳам маълум қилди.

### Самолёт-амфибия

*Хитойда сувга қўна оладиган энг катта самолёт-амфибия яратилди. “AG600” русумли мазкур ҳаво лайнери қутқарув ишларини бажариш ҳамда ўрмон ёнғинларига қарши курашишда фойдаланишга мўлжалланган.*



Унинг узунлиги 37, қанотлари эса 38 метр, максимал учиш масофаси 4,5 минг километрга тенг. Мазкур гидросамолёт бортига 20 сонияда 12 тонна сув олиш имкониятига эга. Бу ҳақда “Синьхуа” ахборот агентлиги маълум қилди.

### Жисмоний тарбиянинг аҳамияти

*Норвегиялик, австралиялик ва АҚШлик шифокорлар томонидан идора ходимлари саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган жисмоний машғулот билан шуғулланишнинг оптимал давомийлиги аниқланди.*

“Lancet” журналида шу мавзуда илмий мақола чоп этилди.

Унда ёзилишича, хонада ўтириб ишлайдиганлар бир кунда камида 60 — 75 дақиқани спортга бағишлаши керак. Пиёда юриш, велосипед ҳайдаш шулар жумласидандир. Бундай турмуш тарзи уларнинг руҳий ҳолати, саломатлиги ҳамда иш унумдорлигини яхшилашга хизмат қилар экан.

### Янги нав яратилди

*“Туманли Альбион”даги Ноттингем университети генетиклари тез пишадиган, хуштаъм ва узоқ сақланадиган табиий помидор генини яратишди.*



Ушбу модда резавор маҳсулотнинг юмшаб, тезда айниб қолишининг олдини олиши қаторида, ундаги кислота, шакар ҳамда бошқа хусусиятлар сақланишини таъминлайди.

### Рейтинг эълон қилинди

*Таркиби энг қиммат ўйинчилардан иборат футбол клублари рейтинги эълон қилинди.*

Унга кўра, Испаниянинг “Реал” (Мадрид) (783 миллион евро), “Барселона” (768 миллион евро) ҳамда Германиянинг “Бавария” (582 миллион евро) жамоалари кучли учликни ҳосил қилди. Рўйхатдан, шунингдек, “Челси”, “Манчестер Сити”, “Арсенал”, “Манчестер Юнайтед” (Англия), “Ювентус” (Италия), “ПСЖ” (Франция) каби клублар ҳам жой олган.

Трансфер нархи энг юқори бўлган чарм тўп усталари сифатида эса аргентиналик Лионель Месси (120 миллион евро), португалиялик Криштиану Роналду (110 миллион евро) ва бразилиялик Неймар (100 миллион евро) эътироф этилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

**2016 йил 30 август куни ўтказиладиган очиқ танлов савдоларига таклиф этади.**

**Танлов савдоларига Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Анна Герман кўчаси, 22-уйда жойлашган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Хоразм минтақавий филиалининг қуйидаги хўжалик жамияти устав фондидаги 100 фоизлик банк улуши қўйилмоқда:**

| Т/р | Устав фондидаги улуши сотилаётган хўжалик жамиятининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли | Устав фондидаги улуш сотилаётган хўжалик жамиятининг | | Савдога қўйилаётган улушнинг бошланғич баҳоси, сўм |
|---|---|---|---|---|
| | | манзили | асосий фаолият йўналиши | |
| 1. | «XORAZM SHISHA IDISHLARI» МЧЖ | Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи | Шиша идиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш | 30 921 463 000,0 |

***Танлов шартлари:***

- танлов ғолиби савдо ўтказилганидан сўнг 10 иш куни мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини ўрнатилган тартибда имзолаши шарт;
- олди-сотди шартномасини расмийлаштириш жараёнидаги харажатлар, хусусан, савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссион тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

***Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:***

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва устав нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули ўтказилганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;
- ёпиқ конвертларга солинган, сотиб олиш бўйича таклиф қилинаётган сумма ҳамда тўловни амалга ошириш муддатига доир икки нусхадаги ҳужжатлар. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгор имзоси ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Талабгорлардан буюртмаларни қабул қилиш иш кунларида мазкур эълон чоп этилган санадан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар савдога қўйилаётган улуш бошланғич баҳосининг 2 (икки) фоизи миқдоридаги закалат пулини «Toshkent universal auktsion savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704929318001, МФО: 00425, СТИР: 302071274.

Талабгорлар танлов савдосига қўйилган объект билан юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

**Танлов савдоларига тақдим этилган таклифлар 2016 йил 30 август куни соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 16-«А» уй, 3-қават, 307-хонада ўрганиб чиқилади.**

***Мурожаат учун манзиллар ва алоқа воситалари:***

**Сотувчи (банк):**
Хоразм вилояти, Урганч шаҳри,
Анна Герман кўчаси, 22-уй.
Телефонлар: (0-362) 223-10-16, 223-05-88.
Факс: (0-362) 223-10-16.

**Савдо ташкилотчиси:**
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси,
16-«А» уй, 4-қават, 401-хона.
Телефон: (0-371) 233-02-49.
Факс: (0-371) 233-23-40.
E-mail: TUAS_MCHJ@mail.ru

***Гувоҳнома № 005357.***

1128R/30

---

AGROBANK

# Fitch Ratings

халқаро рейтинг агентлиги

**2016 йил 22 июлда**

**«Агробанк»**

**акциядорлик тижорат банкининг халқаро рейтингини**

# «БАРҚАРОР»

**деб баҳолади.**

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган.

1106R/481

---

## «VIP REAL ESTATE» МЧЖ

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 30 август куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 58-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 77/7-уйда жойлашган, умумий ер майдони 88215,0 кв. м., қурилиш ости майдони 14210,0 кв. м., биноларнинг умумий майдони 12829,0 кв. м., фойдаланиш майдони 11671,88 кв. м. бўлган ишлаб чиқариш цехлари ва омборхона бинолари.

***Бошланғич баҳоси — 30 677 271 000 сўм.***

* Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 62-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Нилуфар 1-тор кўчаси, 29-уйда жойлашган, умумий ер майдони 1436,40 кв. м., қурилиш ости майдони 540,92 кв. м. бўлган кўчмас мулк объекти.

***Бошланғич баҳоси — 403 091 695 сўм.***

* Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 18-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий майдони 68,60 кв. м., яшаш майдони 41,75 кв. м. бўлган, 3 хонадан иборат 43-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 167 096 584 сўм.***

* Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йилдаги 20-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Содиқ Азимов кўчаси, 89-уйда жойлашган, умумий ер майдони 91,39 кв. м., яшаш майдони 58,67 кв. м. бўлган, 4 хонадан иборат 26-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 187 386 090 сўм.***

**2.** ЖИБ Юнусобод тумани судининг 2013 йил 21 августдаги 246/13-сонли ижро варақасига асосан, Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Олтин водий 2-берк кўчаси, 59-уйда жойлашган, умумий ер майдони 19992,0 кв. м. бўлган бино ва иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 1 923 693 851 сўм.***

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган санадан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловни тўлиқ амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, «Vip real estate» МЧЖнинг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар — паспорт нусхаси; юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ҳамда жисмоний шахслари — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (0-595) 143-0-143. E-mail: info@realtors.uz**

Хизматлар лицензияланган.

1124R/465

---

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзфармсаноат» АК

**мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан алоҳида номинациялар бўйича «Энг яхши фармацевтика корхонаси» тармоқ кўрик-танловини эълон қилади.**

Танловнинг мақсади ишлаб чиқаришда, инновация, инвестиция фаолияти ва аҳолини дори воситалари билан таъминлашда юқори самарага эришган, халқаро ISO ҳамда GMP стандартларини жорий этган, корпоратив бошқарувнинг илғор тажрибаларидан фойдаланаётган фармацевтика корхоналарини рағбатлантиришга қаратилган.

**Кўрик-танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:**

— Энг яхши дори воситаларини ишлаб чиқарувчи;
— Энг яхши тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчи;
— Энг яхши ўсимлик асосидаги препаратларни ишлаб чиқарувчи;
— Энг яхши ёрдамчи фармацевтика материалларини ишлаб чиқарувчи;
— Энг яхши фармацевтика маҳсулотларини маҳаллийлаштириш лойиҳаси ижрочиси;
— Энг яхши фармацевтика маҳсулотлари экспортери;
— Энг яхши инновацион фармацевтика корхонаси;
— Энг яхши фармацевтика корхонаси сайти.

Танловда дори воситалари, тиббиёт буюмлари, ўсимлик асосидаги препаратлар ва ёрдамчи материаллар, умуман, соҳада кенг қўлланиладиган материаллар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган фармацевтика корхоналари иштирок этишлари мумкин.

**Аризалар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 15 кун давомида konkurs@uzpharm.uz электрон почтаси орқали қабул қилинади.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Бодомзор йўли кўчаси, 1-«А» уй.**
**Ариза намунаси ҳамда қўшимча маълумотлар «Ўзфармсаноат» АКнинг веб-сайтида жойлаштирилган.**
**Телефон: (0-371) 235-71-84.**

1127R/510

---

## Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси

**қишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий ашёлар ва реактивларни марказлашган ҳолда сотиб олиш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади.**

Тендерда харид этиладиган маҳсулотларнинг тегишли ҳажмларини етказиб бериш тажрибасига эга фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда улгуржи ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

Мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан, нарх-наво преференциялари берилади.

**Тендер предмети:**

Товарларни қуйидагилар бўйича етказиб бериш:
— шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш учун дори-дармон воситалари (рўйхатга мувофиқ);
— реактивлар;
— тиббий ашёлар ва сарфлаш материаллари.

Харид қилинаётган товарларнинг максимал нархи ҳамда тўлов шартлари тендер ҳужжатларида акс эттирилади.

**Етказиб бериш шартлари:**

Тайёр маҳсулотлар соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан белгиланган жойлардаги омборларга етказиб берилиши шарт.

Етказиб бериш муддатлари тендер ҳужжатларида кўрсатилади.

Тендер бошлангунга қадар тендер комиссияси томонидан савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорларнинг малакавий танлови ўтказилади.

Тендер ҳужжатларини сотиб олиш баҳоси — 150 000 сўм ҳамда закалат (тендер таклифи кафолати) миқдори шартнома миқдорига қараб 500 000 сўмдан 11 000 000 сўмгача.

Тендер ҳужжатлари учун тўлов ҳамда закалат тўлови пул ўтказиш йўли билан Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасининг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 29 август куни соат 17.00.

Батафсил маълумот учун Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига мурожаат қилиш мумкин.

**Банк реквизитлари:**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги ҳисоб рақами: 23402000300100001010,
СТИР: 201122919, ОКОНХ: 97400, МФО: 00014.
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар ББ ҲККМ
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси
шахсий ҳисоб рақами: 100021860334017072130054001,
махсус ҳисоб рақами: 400121860334017950100054002, СТИР: 201989194.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси 220100, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 16-«А» уй,**
**Телефонлар: (0-362) 223-06-33, 223-06-11, 223-06-26.**
**E-mail: info.horezm@minzdrav.uz, horezm.vssb.shtab@minzdrav.uz**

1125R/515

## Андижон вилояти:

# ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ — ФАРОВОН ҲАЁТ




(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Юртни бой, одамларни ишли қилаётганлар ҳам шулар. Саноат ривожини айтмайсизми?! Хўш, вақти келиб Андижонда энг замонавий автомобиллар ишлаб чиқарилишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз?!

Дарҳақиқат, чорак аср муқаддам аграр соҳага ихтисослаштирилган вилоят мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизнинг йирик индустриал марказларидан бирига айланди. Бу ерда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси нафақат иқтисодий салоҳиятимиз, балки аҳоли турмуш фаровонлигида ҳам намоён бўлмоқда. Муҳими, одамлар дунёқараши, ҳаётга муносабати тубдан ўзгарди. Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси шаклланди.

Бугун Андижоннинг юқори технологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган рақобатдош маҳсулотлари хорижда ҳам маълуму машҳур. Жумладан, бу ерда тайёрланаётган товарлар ва қишлоқ хўжалиги неъматлари АҚШ, Россия, Хитой, Ҳиндистон каби жаҳоннинг қатор ривожланган давлатларига экспорт қилинаётир. Айниқса, автомобиль, қурилиш материаллари, оптик толали кабель, пойабзаллар, тўқимачилик ашёлари ҳамда фармацевтика учун табиий хом ашёлар, қайта ишланган сархил озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бораяпти.

### Истиқлол берган имконият

Илғорлик, ташаббускорлик, тадбиркорлик андижонликларга хос фазилатлар сирасидандир. Ҳамиша пешқадам бўлишга интилиб, пухта режа ҳамда қатъий мақсадлар асосида иш тутишади. Асака шаҳрида Марказий Осиёда биринчи замонавий автомобиль заводининг барпо этилишини ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар меваси, деб баҳолаш мумкин. Бошқача айтганда, вилоят аҳли бевосита Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу эзгу ташаббусни қўллаб-қувватлаш билан бирга, уни амалга ошириш жараёнида фаол қатнашди. Бу эса ҳудудда янги-янги инновацион лойиҳалар рўёбига кенг йўл очди.

1996 йилнинг март ойи. Мазкур санада илк миллий автомобиль — "Damas" ишлаб чиқарилганини юртдошларимиз ғурур ва мамнуният билан ёдга олади. Орадан уч ой ўтиб улар қаторига "Tico" ҳамда "Nexia" қўшилди. Ҳозир эса "Matiz", "Spark", "Lacetti", "Cobalt", "Captiva", "Malibu", "Orlando" сингари енгил автомашиналаримизни дунёнинг турли ҳудудларида қизиқиб харид қилишмоқда.

Асака шаҳридаги "GM Uzbekistan" корхонасида иш жараёни қизғин. Бу ерда 10 мингдан зиёд киши меҳнат қилаётир. Яқиндан бошлаб заводда "Евро-5" талабларига мувофиқ, "Ravon" бренди остидаги "Nexia-R3" автомобилларини харидорларга етказиб беришга киришилди. Бинобарин, Италия технологиясига биноан, муқобил ёнилғи — метан гази асосида ҳаракатланишга мослаштирилган "Lacetti" автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича дастлабки қадамлар қўйилди. Бу эса мустақиллигимизнинг 25 йиллигига муносиб туҳфа бўлди. Қувонарлиси, соҳада маҳаллийлаштириш даражаси тобора ошиб бораяпти. Мутахассислар фикрича, автомобилсозликда яратилган ҳар бир иш жойи бошқа турдош соҳаларда камида еттита меҳнат ўрни ташкил этиш имконини беради. Айни жиҳатлар эса нафақат вилоят, балки мамлакатимиз саноати салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Андижон узра парвоз қилаётган ҳаво лайнери иллюминаторидан заминга назар ташласангиз, қуёш нурида ям-яшил тўлқин сингари жилоланаётган бу чексиз уммон қаердан пайдо бўлди экан, деган ўй кечади хаёлингиздан. Бироқ кўп ўтмай янглишганингизни фаҳмлайсиз. Негаки, бу — деҳқончиликда янги услуб ҳамда технологияларни қўллаб, мўл-кўл ҳосил етиштираётган фермерларнинг далалари! Зотан, истиқлол йилларида ғўзани плёнка остида парваришлаш тажрибаси илк бор 1995 йили Олтинкўл туманидаги "Олтинкўл водий гулшани" фермер хўжалигида синовдан муваффақиятли ўтказилган эди. Ҳозир эса вилоятдаги 93 минг гектардан ортиқ пахта майдонининг аксарият қисмида шу усулда ҳосил етиштирилаяпти.

Яна бир далил. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси юзасидан жойларда касб-ҳунар коллежи ва академик лицейлар барпо этилиши борасида ҳам дастлабки қадам айнан Андижонда қўйилгани кўпчиликка маълум. Шу тариқа ҳудудда махсус лойиҳа асосида замон талабларига мос янги ўқув иншоотлари фойдаланишга топширилиши ёш авлод камолоти йўлидаги юксак ғамхўрлик намунасига айланди.

> *"Андижоннинг кўркам жамоли ўзига мафтун этди. Миллий ҳамда замонавийликни уйғунлаштирган иморатларни айтмайсизми?! Уларни шу ерлик ёшлар барпо қилганини эшитиб, ҳайратим ошди. Андижонликлар шаҳарсозликда ўзига хос тажриба тўплабди. Бу ўрганиш, оммалаштириш ва эътироф этишга арзийди. Қолаверса, фан-таълим, маданият, спорт, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, қўйингки, турли соҳаларда шундай қувонарли натижаларга дуч келдик. Бундай юртнинг эртаси, албатта, гўзал ҳамда чароғон".*
>
> **Керстин КЛЕНКЕ,**
> **Франкфурт (Германия) университети олими.**

— Олтинкўл туманининг Кўштепасарой қишлоғидаги саноат коллежимиз 2000 йилдан буён кичик мутахассислар тайёрлаб келмоқда, — дейди ушбу таълим муассасаси директори Одилжон Мирзажонов. — 900 ўринли биномизда ўқувчиларнинг пухта билим ҳамда касб-ҳунар эгаллаши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Спорт зали, лаборатория хонаси ва кутубхона улар ихтиёрида. Илғор тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган мўъжазгина цехимизда йигит-қизларимиз амалиёт ўташади.

Айтиш жоизки, ўтган даврда мазкур таълим даргоҳини 3,5 мингдан зиёд ўғил-қизлар тамомлади. Ҳозир уларнинг аксарияти — замонавий ишлаб чиқариш тармоқларининг илғор мутахассислари. Чунончи, лихтенштейнлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда барпо этилган "Кравтекс" қўшма корхонасининг моҳир чеварлари айни шу коллежда таҳсил олган қизлардир.

Мамлакатимизда энг йирик спорт иншоотлари қурилишида ҳам Андижон вилоятининг ҳиссаси катта. 2003 йили "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг финал босқичи муносабати билан бунёд қилинган олимпия захиралари спорт коллежи ҳамда "Соғлом авлод" ўйингоҳида кўплаб иқтидорли йигит-қизлар ўз маҳоратини ошираётир.

### Обод манзиллар таровати

Бугун Андижоннинг қай бир ҳудудига қадам қўйманг, замонавий услубдаги тураржойлар, кўркам хиёбону гузарлар, сўлим боғ-роғларни кўриб завқланасиз. Айниқса, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида тикланган иморатлардан иборат янги мавзелар обод шаҳарчаларни эслатади.

— Айни пайтга келиб, 5050 дан зиёд ана шундай уй-жой юртдошларимизнинг чинакам бахт ошёни, яхши ниятлар гўшасига айланган, — дейди вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси Азаматжон Шокиров. — Жорий йилда улар сони яна 1139 тага кўпайиши кўзда тутилган. Умуман, 2017 — 2019 йиллар давомида 4220 та намунавий лойиҳалардаги тураржой ўз эгаларига топширилади.

Айтиш жоизки, Асака туманидаги Файзиобод, Олтинкўл туманидаги Далварзин, Балиқчи туманидаги Чинобод, Қўрғонтепа туманидаги Маъмуробод каби мавзеларда барча қулайлик яратилган.

— 2014 йил оиламизга кўп совғалар улашди, — дейди "Уз Тонг Хонг Ко" қўшма корхонаси муҳандиси Иброҳимжон Абдуллаев. — Шу йили Андижон туманининг "Ўрикзор-2" мавзесидаги уйлардан бирига кўчиб ўтдик. Бу ерда фаровон ҳаёт кечиришимиз учун ҳамма шарт-шароит муҳайё. Чунончи, умумтаълим мактабимиз қиёфасини кўриб, кўз қувонади. Ҳозир рафиқам мазкур масканда ўқувчиларга инглиз тилидан сабоқ бераяпти. Ҳудудимиздаги мусиқа ва санъат мактаби эса истеъдодли ўғил-қизларнинг севимли даргоҳи. Гузаримизда савдо расталари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Дарвоқе, массивимизнинг янада обод ҳамда кўркам қиёфа касб этиши учун тураржойлар ён-атрофига мевали, манзарали дарахт кўчатларини ўтказгандик. Мана, ниҳоллар кўкка бўй чўзиб, илк ҳосилини бера бошлади.

### Бунёдкорлик шукуҳи

Халқимиз турли қутлуғ саналар, байраму шодиёналарни муносиб ютуқлар билан қарши олишга одатланган. Бу анъана Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида янада кўзга яққол ташланмоқда. Масалан, Андижон вилоятида 2016 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурига мувофиқ, 118 та ижтимоий соҳа объектини қуриш, капитал реконструкция қилиш, 1139 та тураржой, 4 та кўп қаватли "Камолот" уйини бунёд этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, ҳар бир туманда 25 тадан жами 475 та намунавий кўча ташкил этилиб, энг улуғ, энг азиз айёмимиз арафасида фойдаланишга топширилади.

Андижон шаҳри марказида қад ростлаган 300 ўринли муҳташам қўғирчоқ театрида "Бунёдграндсервис" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари қарийб 8 миллиард 10 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.

Театр биносининг шифти фазо кемасини эслатади. Унга галактикамиз тасвири туширилган. Деворлардан эса қўғирчоқ театри тарихига оид ҳамда эртак қаҳрамонлари суратлари ўрин олган. Юқори қаватда маънавият ва маърифат хоналари, музей, кутубхона, шунингдек, компьютер ҳамда информатика, драма тўгараклари, хореография заллари ишлаб турибди. Бинонинг ертўла қисми қўғирчоқларни ясаш, таъмирлаш, сақлаш ва актёрларнинг ҳордиқ чиқаришига мослаштирилган. Кошона атрофидаги қарийб 1 гектарлик майдон ҳам кичкинтойлар билан гавжум. Бу ердан мўъжазгина амфитеатр, турли аттракционлар жой олган.



— Буларнинг барчаси давлатимиз томонидан ёш авлодга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрлик самараси, — дейди театр директори Беҳзод Қурбонов. — Зотан, ушбу маскан асрлар оша шаҳримиз кўркига кўрк қўшиши баробарида, фарзандларимизга унутилмас таассуротлар туҳфа этиши, шубҳасиз. Ижодий жамоамиз навқирон авлод камолотига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида юксак тарбиявий аҳамиятга эга янги асарларни саҳналаштириш борасида изланишлар олиб бораяпти.

Айни кунларда Андижоннинг Боғишамол даҳасида ҳайвонот боғи қурилиши қизғин давом эттирилмоқда. У мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида болажонларга ўз бағрини очади. Умумий қиймати 2 миллиард сўмлик мазкур лойиҳа доирасида турли ноёб ҳайвонлар ҳамда қушларни сақлашга мўлжалланган махсус жойлар ҳамда улкан аквариум қурилади.

Албатта, бу каби ўзгариш ва янгиланишларда Маҳаллийлаштириш дастури муҳим аҳамиятга эга. Негаки, олис-яқин қишлоқларимизга саноат тармоқларининг жадал кириб бориши туфайли илгари, асосан, валюта ҳисобига четдан келтирилган товарларнинг аксарияти эндиликда ўзимизда тайёрланаётир. Қолаверса, ушбу йўналишдаги лойиҳаларнинг изчил рўёбга чиқарилаётгани туфайли нарх-навони мақбуллаштириш ҳамда валюта сарфини камайтиришга эришилаяпти. Бу қурилиш саноатида ҳам кузатилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда вилоятда шу соҳага ихтисослаштирилган 123 та корхонада 250 дан ортиқ турдаги бинокорлик ашёлари ишлаб чиқарилаётир.

2004 йилда ташкил этилган, хорижий сармоя иштирокидаги "And Polik" масъулияти чекланган жамияти шулардан биридир. Бу ерда тайёрланаётган юқори сифатли "Alcopon" қопламалари нафақат тураржой ва ижтимоий соҳа объектлари, балки марказий стадионлар, ўйингоҳларга ҳам ўзига хос жозиба бағишлаб турибди.

Бундан йигирма йил аввал иш бошлаган "Хон" корхонаси ҳам Андижондаги бунёдкорлик ишларининг фаол иштирокчисига айланган.

— Бир пайтлар одамларимиз гуваладан қурилган, лойсувоқ уйларда яшашар эди, — дейди корхона раҳбари Мухторжон Халилов. — Қишлоқларда бирорта тунука томли иморатни учратмасдингиз. Энди-чи? Муҳташам тураржойларни санаб, адоғига етолмайсиз. Бинокорлик маданияти шаклланди. Шаҳарсозлик анъаналари ривожланди. Юртдошларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай ҳаёт кечиришаяпти. Биз ҳам ана шундай эзгу ишларга ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз.

### Муваффақиятларнинг мустаҳкам пойдевори

Андижонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қатор тармоқлар ривожи, минглаб иш ўринлари яратилиши, замонавий технологиялар жорий этилиши ҳамда четдан келтириладиган маҳсулотлар маҳаллийлаштирилишида муҳим омил бўлмоқда.

Зеро, нуфузли иқтисодчи олимлар, хорижий экспертлар таъкидлаганидек, қурилиш индустрияси у ёки бу мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ифодаловчи муҳим кўрсаткичдир. Негаки, мактаб ва шифохоналар, спорт иншоотлари, саноат объектлари барпо этилаётган мамлакатда фаровонлик ҳамда осойишталик барқарор ва бардавомлиги кафолатланади.

Бу, аввало, чуқур ўйланган, узоқни кўзлаб олиб борилаётган иқтисодий сиёсат, уй-жой ҳамда маъмурий бинолар, саноат объектлари қурилишини молиялаштириш масаласига комплекс ёндашув натижасидир. Пировардида мамлакатимизда ишбилармонлар учун қулай инвестициявий муҳит юзага келиб, қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий ва хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар кўпаймоқда.

— Бугун дунёнинг турли нуқталарида табиий офатлар, ички низолар, қонли тўқнашувлар, молиявий-иқтисодий инқироз кузатилаётир, — дейди "Нуроний" жамғармасининг Андижон вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Таваккал Топволдиев. — Шундай таҳликали замонда жаннатмонанд Ўзбекистонимизда яратувчанлик, бунёдкорлик ишлари авжида. Кўнгилларда сурур. Истиқлол сурури. Муҳими, барча соҳада юксалиш, ўсиш суръатларига эришилаяпти. Шаҳару қишлоқларимиз обод бўлмоқда. Қаранг, кейинги йигирма беш йил давомида пастқам ва кўримсиз бинолар ўрнини маҳобатли иншоотлар эгаллади. Бунинг учун ҳар қанча шукрона айтсак кам.

Жонажон Ўзбекистонимиз жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини тобора мустаҳкамламоқда. Шаҳару қишлоқларимиз обод, турмушимиз фаровонлашиб бораётгани баробарида, юртдошларимиз тафаккуридаги теран идрок, қалблардаги жўшқинлик, интилишларидаги собитлик руҳияти эртанги кунимизнинг ниҳоятда саодатли бўлишига қатъий ишонч уйғотади.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг

**Олий ҳарбий божхона институти**

**қўриқлаш техник воситалари жамламаси билан таъминлаш бўйича танловлар эълон қилади.**

**1-танлов.** «Олий ҳарбий божхона институти ҳудудини огоҳлантирувчи қўриқлаш тизимлари билан таъминлаш».

**Танловнинг максимал баҳоси:**
— 157 084 239 сўм (ҚҚС билан);
— 130 903 532 сўм (ҚҚСсиз).

Закалат миқдори танлов максимал баҳосининг 1 фоизи — 1 570 842,39 сўм.

**2-танлов.** «Олий ҳарбий божхона институти ҳудудини видеокузатув тизими билан таъминлаш».

**Танловнинг максимал баҳоси:**
— 219 576 909 сўм (ҚҚС билан);
— 182 980 758 сўм (ҚҚСсиз).

Закалат миқдори танлов максимал нархининг 1 фоизи — 2 195 769,09 сўм.

**3-танлов.** «Қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультети ҳудудини огоҳлантирувчи қўриқлаш ва назорат ўтиш жойи тизимлари билан таъминлаш».

**Танловнинг максимал баҳоси:**
— 60 621 394 сўм (ҚҚС билан);
— 50 517 828 сўм (ҚҚСсиз).

Закалат миқдори танлов максимал баҳосининг 1 фоизи — 606 213,94 сўм.

Ҳар бир танлов ҳужжатининг баҳоси — 130 240 сўм. Танлов ҳужжатлари учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти ҳисоб рақамига ўтказилади ва ҳужжатлар учун ўтказилган пул қайтарилмайди.

Танловлар бўйича таклифлар эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 30 календарь куни мобайнида қабул қилинади.

Танлов таклифлар тақдим этиш муддати тугаганидан сўнг 5 иш куни ичида ўтказилади.

**Тижорат таклифлари тақдим қилинаётганда қуйидаги шартлар инобатга олиниши лозим:**
— закалат пули тўлови буюртмачининг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади;
— етказиб берувчилар тўловларни Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси — сўмда амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти ҳисоб рақами: 21506000303905369002.

Банк: МБ ТШБ ҲККМ, МФО: 00014, СТИР: 204629995, ХХОУТ: 92110.

**Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш учун ҳафтанинг иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 2-тор кўчаси, 118-уй, Олий ҳарбий божхона институти. Қўшимча маълумот учун телефон: (0-371)227-46-56, ички телефон: 42-80.**

1111R/494

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02

"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари жамоаси таҳририят ходими Олимжон Аҳмедовга отаси

**Эркин АҲМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телерадиоканали давлат унитар корхонаси жамоаси "Ахборот" информацион дастурлар бош муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси Назира Мамбетшариповага отаси

**Абдиғани МАМБЕТШАРИПОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 767. 75 805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6